



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (13.628)

Баҳоиси эркин нарҳда

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ЭРТАНГИ КУНИМИЗГА ЗАМИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 февраль куни мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бугини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017 йил 16 август ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда бу масала атрофида муҳокама қилинган эди. 2017 йил 30 сентябрда Президентимиз томонидан "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташириларига чоғида ўтказилган мажлисларда ҳам бу борада кўплаб вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг аҳоли, соҳадаги ишларни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимни чўқур таҳлил қилиб, шу пайтгача назардан четда бўлган энг кичик жиҳатларига эътибор қаратди.

Дастлаб бу масалада Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижаларига эътибор қаратилди. Масалан, Андижон вилоятидаги 87 та маҳаллада биронта ҳам болалар боғчаси йўқлиги, 84 та боғча филиалини мустақил муассасага айлантириш ёки давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчаларини ташкил этиш бўйича туман ҳокимликлари томонидан аниқ чоралар белгилангани таъкид қилинди.

Вилоятда мавжуд 451 та мактабгача таълим муассасасидан 200 тасида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун махсус оғир йўқ, совутич, шаф ва стол-стуллар етишмайди. Шунингдек, ҳанузгача 123 та боғчага ичимлик суви ташиб келтирилди, 71 тасининг атрофи ўралмаган, 134 тасида мусика хоналари жиҳозланмаган, 420 тасида кичик кутубхоналар ташкил этилмаган.

Шундай камчиликлар Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ҳам кузатилади.

Барча ҳудудларда ўрайдиган бу каби камчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш, мактабгача таълим муассасаларини яхшилаш мақсадида давлатимиз томонидан катта маблағ ва ресурслар йўналтирилмоқда. 2018 йил учун тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари рўйхатида мувофиқ, 771 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобидан 60 та боғча янгидан қурилади, 295 таси реконструкция қилинади ва 176 таси мукамал таъмирланади.

Йиғилишда жорий йилда давлат мактабгача таълим муассасалари қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича маърузаларни рўйхатни тасдиқлаш, болалар боғчаларининг моддий-техника ҳолатини ўрганиб, меъле, ошона жиҳозлари, ўйин майдончалари ва спорт инвентарларига бўлган талабни аниқлаш ҳамда яқин 2 йилда мамлакатимиздаги барча боғчаларни жиҳозлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган боғчаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатсиз тайёрлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини охирига етказмаслик, баъзиларини таъмирламасдан қолдириб кетиш ҳолатлари кўп ўраётгани таъкид олинди.

Масалан, ўтган йили Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 14-боғчада қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилган, муҳандислик тармоқларига тўлиқ уланмаган, жиҳозлар тўлиқ етказиб берилмаган. Қашқадар вилоятининг Миришкор туманидаги 3-, Нишон туманидаги 20-, Косон туманидаги 32-боғчада таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмаган. Бўхоро шаҳридаги 3-, Бўхоро туманидаги 19-, Ромитан туманидаги 11-, Қорақўл

туманидаги 7-боғчаларда пардозлаш ишлари сифатсиз бажарилган, жиҳозларнинг 50 фоизи етказиб берилмаган. Кўплаб лойиҳаларда назарда тутилмагани сабабли боғчалар ҳудудини ободонлаштириш, атрофини ўраш, ташқи коммуникация тармоқларига улаш ишлари бажарилмай қолмоқда.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун ҳокимликлар, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тегишли топшириқлар берилди. Мактабгача таълим муассасаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларида ёрдамчи биноларни ҳам таъмирлаш ва жиҳозлашни назарда тутиш, уларни аҳоли учун қулай ва муҳандислик-коммуникация тармоғи мавжуд ҳудудларга жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. Намунавий лойиҳаларни қайта кўриб чиқиб, янги қуриладиган боғчалар учун сарфланмаган ҳаражатларни арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Навбатдаги муҳим масала, деди Шавкат Мирзиёев, давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришдир. Ҳудудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар томонидан 2018 йилда ҳам 222 минг нафар болага мўлжалланган 3 мингдан зиёд нодавлат болалар боғчасини ташкил этиш режалаштирилган. Шундан 1 минг 200 таси янги қуриладиган бинода, 1 минг 360 таси мавжуд биноларда ва 470 таси ўй боғчаси сифатида ташкил этилади.

Жойларда бу борада қатор ишлар бошлангани, лекин Қорақўлғосуст Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида сўст бораётгани қайд этилди. Айрим раҳбарларнинг узоқни кўра олмаслиги ва давлат сиёсатини тушунамаслиги оқибатида ишлаб турган давлат боғчаларини хусусийлаштириш ва тадбиркорларга бериб юборишга уриниш ҳолатлари кузатилмақда. Бу эса аҳолининг ўрнини ва жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шу боис тадбиркорларга ишламай турган боғчаларни бериш, бинони таъмирлаб ва жиҳозлаб ишлашги вазифасини қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусий боғча учун яхши жойдан ер, бино ва имтиёзлик кредит олиб, қурилган ёки таъмирланган бинодан 1-2 йилдан кейин боғча мақсадада фойдаланмаган, деган "хомхал" билан юрган қўштирқоч ичидagi тадбиркорлар ҳам бор, деди Президентимиз. Шу сабабли ҳокимликлар хусусий боғчалар учун ер ва бино ажратиш, банклар эса кредит бериш тўғрисидаги ўз қарорларида бундай бинолардан камиди 15-20 йил давомида боғча сифатида фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги шартларни назарда тутиши керак.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий боғчалар ташкил этиш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди.

Молия вазирлигида Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини тузиш, Жамғарма маблағларини нодавлат болалар боғчалари учун бино ва иншоотларни харид қилиш, янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига имтиёзлик ставкада кредит ажратишга йўналтириш топширилди.

Мактабгача таълим вазирлигига давлат-хусусий шериклик асосида боғчаларни ташкил этиш моделлари, давлат ва хусусий шериклик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, боғчаларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқишни тезлаштириш вазифаси қўйилди.

Ҳокимликлар ва банкларга 2018 йилда ташкил этиладиган 3 мингдан зиёд хусусий боғчанинг ҳар бири бўйича ер, бино ва кредит ажратиш, боғчаларни ишга тушириш муддатлари аниқ белгиланган жадвалларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашти юзасидан кўрсатма берилди.

Ҳал этишимиз зарур бўлган яна бир муҳим муаммо, деди давлатимиз раҳбари, боғчаларда болаларни белгиланган меъёрлар асосида тўғри ва сифатли овқатлантиришни ташкил этишдир.

Афсуски, болаларга сўт маҳсулотлари ва мева тасдиқланган нормадан кам миқдорда берилмоқда, балиқ маҳсулотлари эса деярли берилмаётти.

Йиғилишда бу борада берилган топшириқларга мувофиқ, болаларни сифатли овқатлантириш, кўрпа, ёстиқ ва чойшабларини белгиланган муддатларда алмаштириш, дори-дармон ва ювчи воситалари учун ажратилган маблағлар миқдори етарли экани аниқ ҳисоб-китоб қилинади.

Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлиналари раҳбарлари боғчаларда болаларнинг белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатлантиришни ташкил этишга шахсан масъул бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги боғчаларда таомларни тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашда санитария нормалари ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилади.

Йиғилишда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг савияси, билими ва кўникмалари масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тизимда фаолият юритаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, 79 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга экани қайд этилди.

Болалар тарбияси жараёнига ўз ишени пухта биладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог-кадрларни жалб қилган ҳолда, уларни гўдаклигиндан онги ва тафаккурини тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ўрганишлар натижасида келгуси 3 йилда мактабгача таълим тизимида 47 минг 300 дан зиёд олий маълумотли педагог кадрлар, жумладан, 28 минг 300 нафар тарбиячи, дефектолог, психолог, мусика раҳбарига ахтиёж пайдо бўлиши аниқланган. Шу боис, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида "Мактабгача таълим" йўналишида кундузги шаклда 3 йиллик бакалаврлар тайёрлаш тизими жорий этилади. Бунда илғор хорижий тажриба, жумладан, Жанубий Кореянинг етакчи университетлари тажрибаси асосида янги ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилади.

Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида сиртки ва кечки шаклда бакалаврлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Жорий йил март ойидан бошлаб, вилоятлардаги университет ва педагогика институтлари базасида боғчаларнинг педагог ва номутахассис кадрлари учун ярим йиллик ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади.

Бу ҳақда сўз оритар экан, Президентимиз Жанубий Кореянинг Пучон университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Мактабгача таълим университетини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда юқори малакали, олий маълумотли кадрларни рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасалари педагог ҳодимларининг ойлик иш ҳақини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Имконияти чекланган ва жисмоний ривожланишида нуқсон бўлган болаларга мўлжалланган боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбар ва ҳокимларнинг ахборотлари тингланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлаш, авваломбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Куйидагилар Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини келгусида ташкил этишнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

Биринчидан, тараққий этаётган пойтахт хавфсизлигининг гарови сифатида ҳаракатлар яқдиллиги асосида барча давлат органлари, фуқаролар-

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизмининг жорий этиш;

Иккинчидан, "Жаҳолатга қарши маърифат" эзгу ғоиси асосида ҳар бир маҳалла кесимида диний-экстремистик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф аниқлаш ва бартараф қилишга, биринчи навбатда, экстремистик оқим мафқураси таъсири остига тушиб қолган шахсларни тузатишга алоҳида эътибор қаратиш;

Учинчидан, прокуратура органлари томонидан қундалик асосда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, шу жумладан, иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар, суъий тўсиқ ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Охириги бир ярим йил давомида фармацевтика тармоғини ривожлантириш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг арзонлиги ва эркин муомаласини таъминлашга қаратилган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармацевтика тармоғининг давлат бошқаруви тизими қайта кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

"Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, уларнинг ҳудудида 41,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги бешта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятида давлат-хусусий шериклик шартларида 75 та ижтимоий дорихоналарни қуриш ва

жойлаштириш бўйича ишлар бошланган.

Шу билан бирга, ўрганишлар қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этиш бўйича етарли чоралар қўрилмаётганини, масъул органлар раҳбарларида юқлатилган вазифаларни бажаришида ташаббускорлик йўқлигини кўрсатди. Хусусан:

Биринчидан, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини шакллантириш таъминланмаган, улар фаолиятини молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва механизмлари белгиланмаган, ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиш масалалари ҳал этилмаган;

Иккинчидан, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан эркин иқтисодий зоналарнинг ишини самарали ташкил қилиш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича етарли чоралар қўрилмаётти;

(Давоми 3-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2018 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар давлатимиз раҳбари ташаббусига биноан парламент қўйи палатасига киритилган қонун лойиҳасини кўриб чиқилди, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 2017 йилдаги фаолияти яқунлари тўғрисидаги ахборотни эшитди.

Мажлиса таъкидландики, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур йўналиш, таъкидлаб ўтилгандек, ҳар бир фуқаронинг ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки у инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бево-сита алоқадордир.

Ўтган йилдаги бу соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнини таҳлил этиш шундан далolat берадики, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга сўзда эмас, балки амалда эътибор берилмоқда, шу жумладан, бу соҳага суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш йўли билан ҳам эътибор қаратилмоқда. Бунда шахсан мамлакатимиз раҳбарининг ўзи ислохларнинг бош ташаббускори бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ ДЎСТЛИГИ:

ТАРИХ САҲИФАЛАРИ, ИСТИҚБОЛ УФҚЛАРИ

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 26 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон – Корея дўстлиги: тарих саҳифалари, истиқбол уфқлари" мавзусида ўтказилди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус вакиллари, халқаро экспертлар, талаба-ёшлар, журналистлар иштирок этди. Йиғилишда ўзбек ва корейс халқларининг кўп асрлик тарихий-маданий алоқалари, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий со-

ҳалардаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон – Корея дўстлик жамияти раиси, Тошкентдаги Инча университети ректори Сарвар Бобоҳўжаев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

маслаҳатчиси Ким Же У ва бошқалар мамлакатларимиз катта салоҳият ва имкониятларга эга экани, жумладан, фан-таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нодира номидаги ўзбекистон ахборот-кутубхона марказида Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди саналарига бағишлаб ташкил этилган адабий-бадний мусиқали кеча "Икки буюк сиймога эҳтиром" деб номланди.

• Андижон вилояти туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган 16 давлат хизматлари қўрсатиш марказига "Damas" хизмат автоматизациялари топширилди.

• Жиззах вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий қисмларидан бирида аёллар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов "Тўмарис авлодлари" деб номланди. Танловда МХХ чегара қўшинлари ҳарбий қисмларида ўтказилган биринчи босқичнинг беш нафар солибаси иштирок этди. Низомга кўра, иштирокчилар нафақат жанговар тайёргарлик, балки ҳар бир аёлга хос бўлган уй-рўзгор юмушлари, фарзанд тарбияси, одоб-ахлоқ ва пазандалик, нафосат ва гўзаллик соҳасидаги билим ва маҳоратини намойиш этди.

• Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали Телекоммуникация технологиялари йўналиши талабаси Улбосин Сапарова кичик кучли намуна қурилмалар учун қувватлантирувчи ускуна ихтиро қилди. Мазкур ускуна (блок питания) электр токи манбаидан келиб турган 220 вольтли кучланишни 0 вольтдан 12 вольтгача ўзгармас кучланишга айлантириб беради.

ЖАҲОНДА

• Жаҳон биржаларида бўлиб ўтган сўнгги савдолар чоғида қимматбаҳо тошларнинг нархи сезиларли даражада пасайилганга қайд этилди. Жумладан, COMEX Нью-Йорк товар биржасида бир ҳафта давомида олтиннинг нархи 1,62 фоизга арзонлашди. Шунингдек, қумуш нархи 1,48, платинаники эса 2,78 фоизга пасайди.

• Тонга оролига тропик тўфон хуружи натижасида кучли жала қуйиши ва шамол тезлигининг соатига 200 километрге етиши катта вайронгарчиликларни келтириб чиқарди. Орол кўчаларини сув босди. Мамлакат пойтахтида жойлашган парламент биноси вайрон бўлди, кучли шамол кўпгина уйларнинг томларини учуриб юборди, бутун орол аҳли электр қувватидан узалиб қолди. Ҳозирда қўшни давлатлар, жумладан, Австралиядан инсонпарварлик ёрдамлари жўнатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБНИ САҚЛАШ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ СИФАТ
ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда)

тўртинчидан, аҳолига энг яқин бўлган жойларда куч ва воситалар фаолиятини бевосита бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг самарали тизimini яратиш мақсадида Тошкент шаҳри ички ишлар органларининг амалдаги тузилмасини такомиллаштириш;

бешинчидан, Тошкент шаҳар ички ишлар органлари шахсий таркибининг интеллектуал ва касбий даражасини ошириш, уларга қўшимча тадбир ва ишлардаги иштироки тўғрисида оқилоланишга йўналтириш;

олтинчидан, жиноятларга чоралар кўриш ва уларни фож этишда, биринчи навбатда, тезкорлик ва мувофиқлашган ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини "Хавфсиз шаҳар" аппарат-дастурий комплекси имкониятларидан кенг фойдаланишга йўналтириш.

2. Тошкент шаҳридаги туман ички ишлар бошқармалари (бўлими) негизда туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда – секторлар) ҳудудлари доирасида куч ва воситаларни мақсадли тақсимлаш ҳолда **ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари** (кейинги ўринларда – мувофиқлаштириш бошқармалари) ташкил этилсин.

Мувофиқлаштириш бошқармаларининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

ички ишлар органлари бўлимлари фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва ташкил этиш, секторларга бўлиш тамойили асосида туман ҳудуди доирасида реал вужудга келган тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда мавжуд куч ва воситаларни тақсимлаш;

ҳалқ билан манзилли мулоқотни, фуқароларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашишни, секторларга бириктирилган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар жамиятининг бошқа институтлари билан узвий ҳамкорликни ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиши, жамоат тартиби самарали сақланиши, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олиниши, содир этилаётган жиноятларга тезкор чоралар кўрилишини таъминлаш.

3. Тошкент шаҳридаги шаҳар ички ишлар бўлимлари **ички ишлар бўлимлари** сифатида қайта ташкил этилсин ва улар зиммасига секторлар ҳудудларида жамоат тартиби сақланиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилсин.

Ички ишлар бўлимлари раҳбарларига куйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бириктирилган ҳудуд доирасида ички ишлар бўлими зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш;

қўл остидаги фаолиятни самарадорлигини оширишга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, бириктирилган патруль-пост хизмати нарядларининг кундалик дислокациясини белгилаш;

бириктирилган ҳудудда тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳамда фавқулодда вазиятлар юзага келганда ички ишлар бўлими куч ва воситаларини жойлаштиришни амалга ошириш.

4. Куйидаги лавозимлар киритилсин:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси (кейинги ўринларда – Бош бошқарма) **бошлиғи**, унга жамоат тартибини самарали сақлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг барча ички ишлар органлари фаолиятини, шу жумладан, бириктирилган куч ва воситаларни мувофиқлаштириш ҳуқуқи берилсин;

Бош бошқарма бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – профилактика инспекторларининг, энг аввало, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги самарали фаолиятини ташкил этиш, ушбу йўналишда барча соҳавий хизматларнинг ўзаро мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлаш учун жавобгар;

мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғининг маслаҳатчиси – жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида катта амалий иш тажрибасига ҳамда ушбу органлар тизимида оғуру ва хурматга эга бўлган ички ишлар органларининг пенсионерлари орасидан жамоатчилик асосида жамланади ва унга тўланаётган пенсиясининг 30 фоизи миқдоридан бюджет маблағлари ҳисобидан ойлик устама ҳақ белгиланади.

5. Куйидагича тартиб ўрнатилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи;

ҳар ўн кунда Тошкент шаҳар аҳолиси билан пойтахт ички ишлар органлари фаолиятини масалалари бўйича маҳаллий телеканаллар эфирларида махсус кўрсатувларни бериб бориш орқали очик мулоқотни ўтказиш;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига пойтахтда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш;

б) мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқлари ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари эса ҳар ойда Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида ҳисобот берадилар, бунда улар томонидан юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар танқидий рўзга муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек, эгаллаб турган лавозимига лойиқ экли нолайиқлиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади;

в) ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ҳар ойда аҳоли олдига бириктирилган ҳудудларда, ҳар олти ой давомида ушбу ҳудудда истикомат қилувчи барча оилалар-

ни қамраб олган ҳолда, улар томонидан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида қабул қилинаётган чоралар юзасидан ҳисобот берадилар;

г) ички ишлар бўлимларининг профилактика инспекторларига:

хизмат ўташ вақтида агарда бириктирилган ҳудудда тезкор-профилактик хизмат кўрсатилаётган ҳолатда келадиган бўлса, ҳудудни ташкил кетишга рухсат берилмайди;

уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда республика миқёсида бириктирилган ижро этилиши мажбурий бўлган, тадбирларни ўтказиш ва маълумот тўплаш бўйича топшириқлар бериш ҳуқуқи берилади.

6. Белгилансинки:

ички ишлар бўлимлари бошлиқлари лавозимлари устуворлик асосида профилактика катта инспекторлари орасидан жамланади;

интизомий жазо чораси сифатида ёхуд бошқа салбий ҳолатларга қўра, ички ишлар органларининг бошқа бўлимларидан ўтказилаётган ходимларни Тошкент шаҳри профилактика инспекторлари лавозимларига тайинлашга йўл қўйилмайди;

Тошкент шаҳри профилактика инспекторлари лавозим бўйича бириктирилган ҳудуддаги фуқаролар йиғини кенгашлари таркибига кирди;

янги тайинланган Тошкент шаҳри профилактика инспекторларини маҳалла фуқаролар йиғини олдига таништириш мажбурий тартибда туман ҳокими ва прокурори, мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи томонидан амалга оширилади;

Тошкент шаҳри профилактика инспекторларининг ҳудудлараро ротацияси фақатгина Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари – Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Бош бошқармага хизматга, истисно тариқасида, Тошкент шаҳрида доимий прописига эга бўлмаган фуқаролар орасидан ҳам номзодларни танлаш ва қабул қилишга рухсат берилади.

7. Тошкент шаҳри ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар билан бир қаторда, куйидагилар ҳам юклатилсин:

бириктирилган ҳудудда истикомат қилувчи шахсларни ўрганиш ва келгусида уларнинг ҳар бирига ғайриқўшимчи ёки бошқа ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвор эҳтимоли нуқтаи назардан индивидуал ташхис қўйиш ҳамда профилактик аҳамиятга эга таъсирчан чораларни кўриш;

маҳаллада криминоген вазиятни яхшилашнинг энг муҳим омил сифатида бириктирилган ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган чораларни амалга ошириш.

8. 2018 йил 1 апрелдан куйидагилар амалиётга жорий қилинсин:

ички ишлар бўлимлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини рейтинг тизимида баҳолашни ўтказиш ва бунда юқори натижаларга эришган ички ишлар бўлимларини, шу жумладан, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлик учун жазо чораларини назарда тутиш;

Бош бошқарманинг "102" ягона телефон рақами бўйича келиб тушаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текширув якуналари бўйича қабул қилинадиган жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

ички ишлар бўлимларида ўтказилаётган йўриқнома беришда Тошкент шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг кундалик иштирок этиши.

9. Бош бошқарма Матбуот хизмати Бош бошқарма Ахборот мультимедиа маркази (кейинги ўринларда – Мультимедиа маркази) этиб қайта ташкил этилсин, унинг асосий вазифалари этиб ўз ичига куйидагиларни қамраб олувчи материалларни ижодий ёндашув асосида тайёрлаш ҳамда кунлик эфирга узатишни, шу жумладан, Интернет тармоғига жойлаштиришни таъминлаш белгилансин:

Тошкент шаҳрида содир этилган, айниқса, жамоатчилик ўртасида шов-шувга сабаб бўлган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ҳолис маълумотлар;

жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари иш жараёми ва эришилган натижалар ҳақидаги маълумотлар;

ички ишлар органлари фаолиятини обрўсизлантирадиган ишончсиз ва нотўғри маълумотларга раддия бериш.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

Мультимедиа маркази ходимларига лавозим маошининг 100 фоизи миқдоридан ойлик устама тўланади;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари – Бош бошқарма бошлиғига Мультимедиа марказига мутахассислар (муҳбир, оператор, видео-мониторинг, IT-мутахассис, студия-аппарат мажмуаси муҳандиси ва бошқалар)ни меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олиб, тўлов миқдорини белгилаган ҳолда шартнома асосида ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

10-19. Махфий.

20. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) туманлар секторлари раҳбарлари билан биргаликда бир ҳафталик муддатда ушбу қарорга мувофиқ секторларга ички ишлар бўлимлари бириктирилишини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг тақсимланиши чегаралари қайта кўриб чиқишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ички ой муддатда:

ички ишлар бўлимларини кенгайтириш ва моддий-техник жиҳозлаш, шу жумладан, янги ташкил этилаётганларни жойлаштириш, шунингдек, хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш;

Тошкент шаҳрининг йирик бозорлари ва савдо мажмуаларида ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида бўлиб кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш чораларини кўриш;

в) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ички ишлар бўлимлари ходимларини, биринчи навбатда, профилактика инспекторлари ва тезкор вакилларини мақсадли дастурий таъминот ўрнатилган ва ички ишлар органлари электрон ахборот тизимларининг маълумотлар базаларига уланган хизмат уяли телефонлари (планшетлар) билан босқичма-босқич таъминласин;

г) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ички ой муддатда давлат солиқ хизмати, санитария-эпидемиология назорати, соғлиқни сақлаш ва давлат ветеринария хизмати бўлимларининг Тошкент шаҳри бозорлари ва савдо комплексларида хизмат олиб бориш тартибини, уларнинг фаолиятини шартнома асосида ташкил этиш имкониятини назарда тутган ҳолда, тўдан қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда тизимли равишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда куйидагиларни ташкил этсин:

а) мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва ички ишлар бўлимлари бошлиқлари учун уларнинг бошқарув фаолиятидаги маҳоратини оширишга ҳамда ишни замонавий талаблар асосида ташкил этишга қаратилган қисқа муддатли ўқув курслари;

б) куйидагиларни назарда тутган ҳолда Тошкент шаҳар ички ишлар органлари профилактика инспекторларини махсус касбий тайёрлаш бўйича ички ойлик курслари;

ўқув машғулотларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида катта иш тажрибасига эга бўлган ходимларини жалб қилиш;

профилактика инспекторларига махсус касбий тайёрларлик курсларини ўтаганлиги тўғрисида "сертификатлар" бериш;

махсус касбий тайёрларлик курслари якуналари бўйича имтиҳонларни қонкурсиз топширган профилактика инспекторларини эгаллаб турган лавозимидан овоз қилиш;

в) Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети негизида Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларида энг янги, шу жумладан, "Хавфсиз шаҳар" аппарат-дастурий комплексидан самарали фойдаланиш имконияти бериш учун ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган махсус ўқув дастурлари.

22. Куйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари – Бош бошқарма бошлиғига – амалий бошқарув қарорларини қабул қилиш, таҳлил фаолиятини сифатли ташкил қилиш, мувофиқлаштириш бошқармалари иши самарадорлигини тизимли баҳолаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида қабул қилинадиган чоралар назорати учун;

мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқларига – зиммаларига юклатилган бошқарув ва мувофиқлаштириш функцияларини сифатли ва тўлиқ амалга ошириш, куч ва воситаларни, шу жумладан, бириктирилган туман ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматларини мақсадли тақсимлаш ва фойдаланиш учун;

ички ишлар бўлимлари бошлиқларига – энг аввало, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси соҳасида кўрилаётган чораларнинг якуний натижалари, қўл остидаги шахсий таркиб билан самарали тарбиявий ишларни олиб бориш, уларнинг олдида вазифаларни тўри қўйиш ва зиммасига юклатилган хизмат вазифаларининг кундалик бажарилиши устидан таъсирчан назорат учун **шахсий масъулият юклатилсин**.

23. Ички ишлар вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида "Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ой муддатда куйидаги чораларни кўриш:

Бош бошқарманинг "102" ягона телефон рақами бўйича келиб тушаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текшириш якуналари бўйича қабул қилинадиган жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази томонидан шакллантириладиган жиноятчилик соҳасидаги статистик ҳисобот шакллари ўзгартириш ва уларда аниқланадиган латент жиноятларга ҳамда жиноятлар хусусиятлари ва уларни содир этиш жойи, шу жумладан, маҳалла ҳудуди кесимида ҳисобга олишга дифференциал ёндашувни назарда тутиш.

24. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг, шунинг-

дек, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг куйидагилар тўғрисидаги таклифлари мақбуллансин:

Тошкент шаҳрининг туманларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тадбиркорликни ривожлантириш ва муаммолари оилалар билан ишлаш устидан назорат қилиш жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда – жамоатчилик кенгашлари)ни тузиш;

жамоатчилик кенгашлари таркибини Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари раислигида маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, фан, маданият ва санъат вакиллари, машҳур спортчилар ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳисобидан шакллантириш;

жамоатчилик кенгашларини маҳаллалар ва Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сонига мутаносиб равишда секторларга бириктириш.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига бир ой муддатда жамоатчилик кенгашлари ишини ташкил қилиш тартиби, ваколатлари, уларнинг фаолиятини баҳолаш механизмлари ва мезонларни белгилаб берувчи Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тадбиркорликни ривожлантириш ва муаммолари оилалар билан ишлаш устидан назорат қилиш жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия қилинсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги: ички ҳафта муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ва уларнинг ички ишлар бўлимлари тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда ҳар бир соҳавий хизматнинг аниқ вазифа ва функцияларини, шунингдек, бошқарма ва бўлимлар бошлиқларининг ҳар бир ўринбосари ваколатлари ва жавобгарлигининг аниқ доирасини белгиласин;

бир ой муддатда ички ишлар бўлимлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чоралар самарадорлигини рейтинг тизимида баҳолаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда ички ишлар бўлимларининг секторлараро ва туманлараро, шу жумладан, республикани бошқа минтақаларидаги ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича уйғунлашган механизмни назарда тутувчи тартибни белгиласин;

бир ой муддатда Тошкент шаҳар патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари нарядларининг ягона дислокациясини ички ишлар бўлимлари фаолият юритишини ҳисобга олган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсин;

2018 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари фаолиятини мақсадли ўрганиш, улар ишини ташкил этиш бўйича илмий асослантирилган аниқ таклифлар ишлаб чиқи-лишини ва амалга оширилишини таъминласин;

ички ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тошкент шаҳрида транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан тўхтаб туриш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсин, бунда ҳайдовчиси бўлмаганда ҳам нотўғри тўхтаб туриш ҳолатини қайд этиш ва баённомалар тузилиши назарда тутилсин;

пиёдаларда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш маданиятини юксалтириш, шу жумладан, комплекс тушунтириш ишларини ўтказиш ва уларни ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш орқали таъсирчан чораларни амалга оширсин;

ички ой муддатда мувофиқлаштириш бошқармалари ва ички ишлар бўлимлари ходимларини босқичма-босқич таъбиел ўқотар куроли ўрнига қўлашнинг катъий тартиби ва шартларини белгилаган ҳолда электрошок воситалари билан таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ун ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Бош бошқарма Ахборот мультимедиа марказини жойлаштириш, уни замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, кенг қамровли Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш.

26. Белгилансинки, ушбу қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мазкур қарор билан жорий этилаётган тизими сам

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

учинчидан, эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланган транспорт йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд эмаслиги уларнинг ҳудудда юқори сифатли фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш имконини бермапти, зоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқиш жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ва инвесторларда юзга келмаётган муаммоларни эътиборга олмаган ҳолда амалга оширилмоқда;

тўртинчидан, давлат-хусусий шериклик шартларида ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш ва фаолият юритишнинг ҳуқуқий тартиби белгиланмаган, уларнинг жойлашуви тасдиқланмаган, бу эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига шундай дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига олиб келган;

бешинчидан, дорихоналарда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш, шунингдек, дорихоналарнинг жойлашуви, дори воситаларининг ассортименти ва нархи ҳақида аҳолини хабардор қилиш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жараёни паст суръатларда бор-моқда;

олтинчидан, фармацевтика тармоғи муассасаларининг илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермади, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига етарли эътибор қаратилмапти;

еттинчидан, мавжуд илмий ишланмаларни амалиётда синовдан ўтказишнинг самарали тизими мавжуд эмас, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқиш соҳасида янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича етарли чоралар кўрилмапти.

Мазкур ҳолатлар фармацевтика тармоғини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қўрилган чораларнинг сулғишига олиб келмоқда, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва инвестицияларни жалб этиш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш бўйича вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмулари кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасидаги фаолияти **қоникорсиз деб топилиши**.

Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани ва лозим даражадаги ташаббускорлик йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори З.А.Дусанов ва мазкур агентлик директорининг биринчи ўринбосари М.М.Дусмуратов эғаллаб турган лавозимдан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари "Йўл харитаси"нинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

3. "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Қосонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналаридаги ҳақиқий вазиятини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳлар 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳлар томонидан икки ой мuddатда: эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш учун ажратилган ер участкаларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги, транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш имкониятлари мавжудлиги нуктаи назардан ўрганилиши;

эркин иқтисодий зоналар бош режаларининг жойлардаги ҳақиқий вазиятини ва уларни амалда ижро этиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда қайта қўриб чиқирилиши; эркин иқтисодий зоналар ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун потенциал инвесторларни жалб этиш чораларини қўришни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Қ.В.Акмалов) икки ой мuddатда ишчи гуруҳлар фаолиятининг якунлари бўйича қўйиладиган ишлаб чиқин ва тасдиқласин: Доривор ўсимликларнинг плантацияларини ташкил этиш бўйича тадбирлар дастури;

Тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар, ёрдамчи ва ўраш-жойлаш материалларини ишлаб чиқариш бўйича эркин иқтисодий зоналар ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари рўйхати.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ўзбектелеком" АЖ бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда эркин иқтисодий зоналарнинг бош режалари тасдиқлангандан кейин бир ой мuddатда эркин иқтисодий зоналарнинг транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқирилиши таъминласин.

6. Ҳар бир эркин иқтисодий зонага Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорлари бириктирилиб, уларнинг мазкур соҳадаги асосий вазифалари сифатида қўйиладиган белгилансин:

эркин иқтисодий зоналар бош режаларининг ўз вақтида ишлаб чиқирилиши устидан назоратни амалга ошириш; лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;

янги ташкил этилаётган қувватларни транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш ҳамда уларнинг сув, газ ва электр таъминотига улаштириш устидан назоратни амалга ошириш;

лойиҳалар ташаббускорларига руҳсат берувчи ва бошқа ҳужжатларни олишда, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзга келадиган масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама қўмақлашиш; лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишда тўқсинлик қилаётган, ортиқча бюрократ тўқсинлари яратётган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қатъий чоралар кўриш.

Белгилансинки, вилоят микдосидаги масъул давлат органлари ва ташкилотлар ҳал ойда Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорларига эркин иқтисодий зоналарда амалга ошириладиган ишларнинг бориши ҳақида ҳисобот тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: икки кун мuddатда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида ижтимоий дорихоналарни жойлаштириш имкониятларини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш учун ишчи гуруҳларни ташкил этсин;

ўтказилган ўрганишни инобатга олган ҳолда, 2018 йил 1 апрелга қадар мuddатда ижтимоий дорихоналарнинг жойлашувини тасдиқласин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ижтимоий дорихоналар тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 июнга қадар мuddатда 2018 - 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлашни назарда tutувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 декабрга қадар мuddатда қўйиладиган имкониятларни тақдим этадиган Интернет тармоғида ахборот порталини, шунингдек, мобил иловаларни яратсин;

асосий ахборот индикатори сифатида лицензия мавжудлигини акс эттирган ҳолда дорихоналарнинг жойлашувини аниқлаш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни, зарур ҳолларда

сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларни тегишли дорихоналар томонидан аҳолига етказиб беришни таъминлаш ҳолда, реал вақт режимида сотиб олиш;

б) 2018 йил 1 майга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳисобга олиш ва ҳисобот жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, улар ҳақидаги зарур ахборотни тақдим қилган ҳолда дори воситалари ва тиббий буюмларни идентификация қилиш имконини берувчи махсус маркировка тизимини жорий этиш мумкинлиги масаласини ўрганиш;

в) 2018 йил 1 апрелга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат тиббиёт муассасалари ва ижтимоий дорихоналарда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳисобини олиб боришини, шу жумладан, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишини тезкор аниқлаш ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимни яратиш бўйича тақлифлар киритсин.

9. Аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича жамоатчилик комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия) таркиби ва ҳудудларда ҳар ҳафталик учрашувларни ташкил этиш графиги 3 ва 4-иловаларга мувофиқ маъқуллансин. Комиссия (Қ.М.Рафиков):

ҳар 10 кунда ҳудудларга бориш ва жойларда учрашувлар ўтказиш орқали дори воситалари билан таъминлашда аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш;

фармацевтика тармоғида қўриладиган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва манзилли бўлиши, уларнинг мазкур соҳадаги ишлар ҳолатини яхшилашга реал таъсир кўрсатиши масалалари бўйича фуқароларнинг фикр, мулоҳаза ва тавсияларини ўрганиш орқали аҳоли билан акс алоқани таъминлаш;

фуқароларни, айниқса, ижтимоий эҳтиёжманд ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшайдиган фуқароларни ижтимоий аҳамиятга эга ва арзон дори воситалари билан таъминлаш бўйича ишларнинг ҳақиқий ҳолатини пухта ўрганиш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ва унинг аҳоли яшаш жойларида етарлилиги, шунингдек, ижтимоий дорихоналарнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича мавжуд инфратузилмани танқидий ўрганиш;

дори воситалари нарҳининг ошишига ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини дори воситалари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича прокуратура органлари билан биргаликда тезкор чоралар кўрсин;

мазкур қарор ижро этилиши жараёнини мунтазам ўрганиш, ушбу масала бўйича масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитсин, юклатилган вазифалар ижросининг бузилиши ҳолатлари ва сабабларини аниқласин ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида прокуратура органларини ўз вақтида хабардор этсин;

кредитлар бериш, ер участкалари ажратиш, тегишли лицензия ва руҳсатномалар олиш, инфратузилмага улаштириш мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ва потенциал чет эл инвесторлари билан учрашувлар ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзавтосаноат" АЖ билан биргаликда олиш жойларда яшовчи аҳолига, энг аввало, ижтимоий аҳамиятга эга ва энг зарур дори воситаларини сотишни таъминлайдиган "Дамас" автомашиналарида қўчма дорихоналарни ташкил этиш чораларини кўрсин;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидениеда амалга ошириладиган ишларнинг бориши ва натижалари мунтазам ёритилишини ташкил этсин;

ўтказилган ҳар бир жойга чиқиб ўрганиш ва учрашувлар якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритсин.

10. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Комиссия фаолияти доирасида унинг раиси талабномаси бўйича ҳар йили маҳаллий қатновдаги поездларнинг барча турларига темир йўл чипталари захира қилиб қўйилишини ва бепул расмийлаш-

тирилишини таъминласин.

11. Республикада яратиладиган ва ишлаб чиқариладиган устувор дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлаш бўйича ишчи комиссия 5-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи комиссия уч ой мuddатда: фармацевтика бозорини ўрганишни ҳамда ташхис қўйиш ва даволаш стандартларини ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш учун устувор бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлашни;

ўрта мuddатли истиқболда жорий этиш учун истиқболли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маҳаллий ишланмаларини аниқлашни;

эҳтиёж учун зарурлиги, ижтимоий аҳамияти, ишлаб чиқаришга жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ва мумкинлигидан келиб чиқиб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тоифаларини аниқлашни таъминласин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, "Шарқ табobati" илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини танқидий ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ўқув-илмий лабораторияси ва тажриба-ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил этишни назарда тутган ҳолда тақлифлар киритсин.

13. Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат божона қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 апрелга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш учун хом ашёни импорт қилишда қўшимча қўшимча солиғи бўйича имтиёзни қўллаш механизмини соддалаштириш юзасидан тақлифлар киритсин, бунда тасдиқланган рўйхат асосида имтиёз қўллаш тартиби истисно қилиниб, дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш учун олиб қирилмаган, республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанцияларга қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилмаслиги назарда тутилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрлаш учун республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанциялар рўйхатини тақдим этсин.

14. Бош прокуратура (О.Б.Муродов), Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати (Р.С.Қасимов), Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (Б.М.Мавлонов), Ҳисоб палатаси (М.М.Икрамов) ва Вазирлар Маҳкамаси (Қ.В.Акмалов):

ҳар чорада графикаларни тасдиқласин ва улар асосида ишчи гуруҳлар, масъул вазирликлар ва идоралар аскаллари, фармацевтика корхоналари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, инвесторлар иштирокида "Йўл харитаси" ва мазкур қарорда белгиланган бошқа вазифаларнинг бажарилиши жараёни ҳар ҳафта муҳокама қилинишини ташкил этсин;

муҳокама якунлари бўйича юклатилган вазифалар ижросининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қасимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қ.М.Рафиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 14 февральЎЗБЕКИСТОН - КОРЕЯ ДЎСТЛИГИ:
ТАРИХ САҲИФАЛАРИ,
ИСТИҚБОЛ УҒҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1992 йилда икки давлат ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган савдо-иқтисодий, сармоа, саноат, ахборот-коммуникация технологиялари, қурилиш, нефть-газ, машинасозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, таълим, соғлиқни сақлаш каби қўллаб-қўллаган бўйича ҳамкорликни амалга оширишга ҳизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг олий ўқув юртлири Жанубий Кореянинг 30 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Юртимизда 13 олий ўқув юрти, 28 мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларида корейс тили ва маданияти маркази ташкил этилган.

Кўп миллатли халқимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган корейс диаспораси вакиллари ҳам Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Сессияда иқтисодийни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Ўзбекистон корейс маданият марказлари асоциацияси мутасаддилари, Тошкентдаги Инха университетини ҳамда Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбириИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА
ДОИР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу соҳадаги илгор гоялар амалда рўйбга чиқаётганини одамлар ўз ҳаётида ҳис этиб улгурди. Масалан, фақат 2017 йилнинг ўзида судлар томонидан 228 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, холбуки, ўтган беш йил мобайнида бор-йўғи 7 нафар шахс оқланган эди. Дастлабки тергов органлари томонидан 3,8 мингта жиноят иши тугатилди.

Депутатларнинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбари ташаббусига биноан киритилган "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги туб ислохотларнинг мантӣий давомидир.

Қонун лойиҳаси илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда суд-тергов фаолияти жараёнида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрда қабул қилинган "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ка-

фолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни рўйбга чиқаришнинг мантӣий давомидир.

Депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқдилар ва қабул қилдилар. Қонун парламент юқори палатасига маъқуллаш учун юборилмайдиган бўлди. Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Н.Муҳаммадиевнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида"ги ахборотини эшитдилар.

2017 йилда Омбудсман идорасига 9074 та мурожаат келиб тушди, шундан 1774 таси мурожаат шахсий қабуллар ва шахсий сафарлар чоғида тушган. Уларни қўриб чиқиш натижалари бўйича ваколатли органлар томонидан 25 та жиноят иши, 27 та маъмурий ва 44 та интизомий иш қўзғатилди, икки ишлар органларнинг 24 нафар ходими, ижтимоий ва бошқа соҳаларнинг 35 нафар ходими жавобгарликка тортилди, жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги 24 та қарор бекор қилинди, судларга 10 та протест ва даъво киритилди, 34 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди ва ишга қайта тикланди, 53 та оилага турлича моддий ёрдам, 39 нафар фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилди, давлат даромадига 2 319 миллион сўм, мурожаат қилувчилар фойдасига 263 миллион сўм ундирилди, бизнесни ривожлан-


тириш учун 133 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди ва ҳоказо.

Ҳисобот йилда қоқмоқда сақланаётган шахсларга нисбатан қонунчилик ҳаракатлар содир этиш ҳолатларига доир шикоятларни Омбудсман томонидан қўриб чиқиш натижалари тўғрисида парламент палаталарини мунтазам равишда хабардор қилиш тартиботи жорий этилди, шунингдек, Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, гайринорматив ёки қадр-қимматни таҳрирловчи турларига йўл қўймаслик бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳамкорликдаги жадвали тасдиқланди.

Ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналари халқ билан бевосита мулоқотини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганлиги таъкидланди. Мазкур қабулхоналар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакатимиз фуқароларининг қонуний манфаатларини таъминлашдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, аҳолининг аниқ эҳтиёжларига, давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг бугунги кундаги мақсадларига жавоб бера олувчи ташкилий-ҳуқуқий қарорларни қабул қилиш ҳамда амалга ошириш имконини берди. Омбудсман Халқ қабулхоналарининг 144 та туман (шаҳар) аҳолиси учун ташкил этилган сайёр тадбирларида қатнашди, шунингдек, улар билан ҳамкорликда фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш натижаларини муҳокама қилишга ҳамда фуқароларнинг

ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишларни такомиллаштириш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТ ходимлари учун бир туркум минтакавий семинарлар ўтказди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Минтакаларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш таъмин



ЎЗБЕКИСТОН КАНН КИНОФЕСТИВАЛИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Францияда ўтадиган 71-Канн халқаро кинофестивалида илк бор "Uzbekistan" павильони ташкил этилади.

2018 йилнинг 8-19 май кунлари Франциянинг машҳур Круазет бульваридagi Фестиваллар ва конгресслар саройида ўтказиладиган халқаро кинофестивалдаги юртимиз павильони Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Кинематографияни ривожлантириш маркази ҳамда Ёш кинорежиссорлар кенгаши томонидан ташкил этилмоқда.

си билан шартнома имзолаган. Ҳар йили ташкил этиладиган кинофестиваль кино оламидаги асосий маданий воқеалардан бири ҳисобланади. Ўтган йилнинг ўзида мазкур тадбирда 118 мамлакатдан 12 миңдан ортиқ иштирокчи рўйхатга олингани фестивал нуфузи ортиб бораётганидан далolatдир. Павильон қатнашчилари меҳмонларга Ўзбекистон киноижодкорларининг фильмлари ҳамда мамлакатимизнинг кино санъати ҳақида маълумотлар тақдим этади. Шу ерда 2018 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган, жорий йилдан бошлаб халқаро кинофестиваль мақомини олган "PROlogue" лойиҳаси тақдими ҳам ўтказилади.

Мазкур воқеа ёшлар ташаббусининг давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватлаётганининг амалий ифодасидир. **М.ҚОСИМОВА, ЎЗА муҳбири**

ЮРТИМИЗ ЦИРК УСТАЛАРИ ТОЖИКИСТОНДА

"Ўзбекдавлатцирки" давлат муассасаси артистларининг Тожикистон Республикасига ижодий сафари бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигидан билдиришича, 25 йилдан сўнг Тожикистонга ташриф буюрган цирк усталари мезбонлар томонидан илқ кутиб олинди. Ўзбекистон ва Тожикистон мамлакатлари ўртасида маданий-гуманитар ва цирк соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида "Эко Азия" номи билан ташкил этилган мазкур дастур доирасида "Ўзбекдавлатцирки"нинг артистлари март ойининг охирига қадар Тожикистонда ижодий сафарда бўлади. — Ўтган йилнинг декабрь ойи-

дан буён тожикистонликлар ва Душанбе шаҳри меҳмонлари Тошкент цирки усталарининг ранг-баранг чиқишларидан баҳраманд бўлмоқда. — дейди циркчилар гуруҳи раҳбари Норнисо Алиева. — Ҳар куни икки мартадан намойиш этилаётган томошаларга болалару катталар ташриф буюрмоқда. Дорбозлар, жанглёрлар, гимнастикачиларнинг чиқишлари, ўргатилган жониворлар иштирокидаги томошалар барчага бирдек манзур бўлмоқда. **Н.УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири**

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

"Яшил" йўлак орқали тилла тақинчоқлар олиб киришга уринган қондабузарлар фoш қилинди.

Хабарингиз бор, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, республикамизнинг барча халқаро аэропортларида жисмоний шахслар учун икки йўлак тизим, яъни "яшил" ва "қизил" йўлақлар жорий этилди.

Янги тизимни жорий этишда энг аввало юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, улар учун божхона расмийлаштирувидан ўтказиш жараёнларини янада соддалаштириш ва тезлаштириш кўзланган.

Амалдаги тартибларга кўра, республикамизга кириб келаётган йўловчилар яшил йўлақдан фақат қиймати ва миқдори божсиз олиб кириш меъёрларидан ортиқча бўлмаган товарларни олиб ўтишлари мумкин. Яъни, яшил йўлақдан ўтиш жисмоний шахснинг ёнида ортиқча товар-моддий бойликлари йўқлигини божхона органларига оғзаки декларациялаганини аниқлатади.

Бу ҳақдаги батафсил маълумотлар республикамиз халқаро аэропортларидаги икки йўлак тизим олдида жорий қилинган ахборот ҳудудларида келтирилган.

Аммо, мақолаимиз "қаҳрамон"лари амалдаги тартибларни яши билдишса-да, ўзлари учун жорий қилинган бу қўлайликни ноқонуний даромад орттириш илинжида суистеъмол қилишга уринишди. Яъни, Ислom

Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида яшил йўлак орқали тилла ва заргарлик буюмларини олиб ўтишга уринган илк қондабузарлар тўхтатиб қолинди.

Истанбулдан учиб келган фуқаро Ф.Юлдашевнинг божхона чегараларини яшил йўлак орқали кесиб ўтаётгани, ўзини туттиши ва безовталаниши божхоначиларда бежиз шубҳа уйғотмаган экан. Қаранг-ки, Ф.Юлдашева аёллар сумкасидаги пардоз упаси кутилари ва эгнидаги кийими чўнтакларига 263 гр. оғирликдаги тилла ва заргарлик буюмларини яширгани фoш бўлди.

Дастлабки, ҳисоб-китобларга кўра мазкур тилла ва заргарлик буюмларининг тахминий қиймати 67 млн. сўмдан ошади.

Айни шу рейс бўйича парвозини якунлаган фуқаро Ф.Толибов ҳам яшил йўлак берган имкониятдан фойдаланиш мақсадида фойдаланиб қолишга уринди. Яъни, белгиланган меъёрлардан ортиқча бўлган 72 гр. оғирликдаги тилла ва заргарлик буюмларини қизил йўлак қолиб, яшил йўлақдан олиб ўтаётган пайда тўхтатиб қолинди.

Дастлабки, ҳисоб-китобларга кўра мазкур тилла ва заргарлик буюмларининг тахминий қиймати салкам 16.5 млн. сўмни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, мазкур пост ходимлари "Истанбул – Тошкент" рейсининг яна бир йўловчиси фуқаро М.Мавлянова томонидан қизил йўлак орқали ҳаракатланаётгани, лекин йўловчи божхона декларациясида кўрсатмасдан туриб, қиймати салкам 24,5 млн. сўмни ташкил қилувчи 119 гр. тилла тақинчоқларнинг яширинча олиб кирилишига чек қўйишди.

Ваҳоланки, амалдаги тартибларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришнинг рухсат этилган меъёрларига мувофиқ умумий оғирлиги 30 граммдан ортиқ бўлмаган 5 донагача заргарлик буюмларини олиб киришга рухсат этилади.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз аэропорти орқали ҳар суткада дунёнинг турли шаҳарлари бўйлаб, ўртача 40 дан ортиқ рейслар амалга оширилади. Бу ерда бир кунда ўртача 6-7 миң нафар йўловчилар ҳаракатланаётган бўлса, шуларнинг тахминан 93 фоизи божхонадан яшил йўлак орқали ўтишмоқда.

Демак, кўриниб турибди-ки, уларнинг барчасини бирма-бир божхона назоратидан ўтказиш жараёнига қамраб олишнинг имкони йўқ. Шундай экан, бу вазиятда божхона ходимларининг ҳушёрлиги ва сезгирлиги таъини билан бир қаторда юртдошларимиздан ҳам божхона қонунчилигига қатъий риоя қилишлари талаб қилинади.

Ҳусен ТАНГРИЕВ, "Тошкент-Аэро" ИБК Ахборот хизмати катта инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА

2018 йилнинг 22 февраль куни Давергеодезкадастр қўмитаси раиси Абдушукур Хамидович Абдуллаев раислигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан сайёр қабул ўтказилади.

Ушбу сайёр қабулда Тошкент шаҳри аҳолиси кўчмас мулкнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, соҳага оид бошқа ўзларини қизиқтирган саволлар билан иштирок этишлари мумкинлиги маълум қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 14-уй. (Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Шайхонтоҳур туман филиали биноси).

Маълумот учун телефонлар: 239-35-01, 241-18-95.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чилонзор филиали томонидан Филиалга замонавий видеокузатув мосламаларини ўрнатиш мақсадида ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-мавзеси, Меҳр кўчаси. Телефонлар: 276-43-39, 276-55-82.

Нархлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

"101"

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Барча хонадон соҳиблари иссиққина уйларда ўтиришга интиладилар. Бироқ, улар фойдаланаётган турли иситиш мосламаларини мутахассис кўригидан ўтказилганидан сўнггина ишлатиш даркор. Шундангина кўнгил хотиржам, оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланган бўлади.

Энгин келиб чиқмаслиги учун, энг аввало, ҳар бир хонадон соҳиби электр асбобларидан тўғри фойдаланиши лозим. Носоз электр қурилмаларидан фойдаланиш натижасида энгин содир бўлиш ҳоллари вужудга келиши мумкин. Электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир нечта ток қабул қилувчи воситаларни улаш, электр асбобларини қаровсиз қолдириш, улардан энгин хавфи бор жойларда очик ҳолатда фойдаланиш мумкин эмас. Электр токи билан ишловчи турли анжомларни доимо текшириб, қисқа туташув ва бошқа шу каби ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиб бориш даркор.

Азиз ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Сенати ЁХБ кичик инспектори

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида энгин хавфсизлиги қондаларига амал қилса, турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, "тилсиз ёв" бўлган олов наинки фасл, балки фасл ва жой ҳам танламайди. Кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида рўй беради.

Маъмурий бино раҳбарлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлар энгин хавфсизлиги қондаларидан бохабар, энгин юз берган вақтда эса инсонларни эвакуация қилиш ва уни ўчириш бўйича барча чораларни кўришлари мўҳим аҳамиятга эга. Корхона ҳудуди доимо тоза ҳолда сақланиши, ёнувчи материалларни, тўқилган барг ва қуруқ ўтларни мунтазам равишда йиғиштириб, ташқарига чиқариб ташлаш зарур. Бино ва энгинга қарши сув манбаларига ҳамда энгин ўчириш анжомлари ва жиҳозларига олиб борувчи йўллар доимо очик ҳолда бўлиши керак. Бундан ташқари корхона ҳудудида гулхан ёқиш ва ошхона очик ўчоқларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Энгин хавфсизлиги қонун-қондаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-жойингизни энгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Шерзод МАЛИЕВ, "Маърифат маркази" ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

Олов ёниб турган жойда лоқайдликка, беписандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганда, ҳақ таълими муассасаларида ҳам энгин хавфсизлигини таъминлаш энг мўҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир.

Зеро, ҳақ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан кичкинтойлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг кўзига жозибали кўринган оловнинг ўта хавфлиги, ноғохон содир бўлган энгинларнинг оғир оқибатларини тушунтириб, шу фалокатдан узроқроқ юришни ўргатиш ниҳоятда зарур. Бундан ўқитувчи ва тарбиячиларнинг шахсий ибрати, ўқувчилар хатти-ҳаракатларини назоратда сақлашлари, ўт билан ўйнаш ёмонлигини вақтида тушунтиришлари жуда зарур тадбирдир. Ўқувчиларга энгиндан сақланиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган бирламчи билим ва кўникмалар шу асосда сингдириб борилмоқда.

Хисомиддин ГАЗИХАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президент дeвони биносини энгиндан муҳофаза қилувчи энгин хавфсизлиги бўлими кичик инспектори, сафдор

Ҳозирги кунда энгинга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситаларидан самарали қўлланилмоқда. Ана шу воситалар орасида энгин хавфи ҳақида зудлик билан хабар берувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари мўҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, дунёнинг кўплаб давлатларида энгин хабарлаш воситалари, назорат мосламалари, қабул-назорат асбобларининг замонавий турларини ишлаб чиқарадиган корхона, фирма, компаниялар мавқеи юқори туради.

Республикамизда ҳам энгин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига бўлган талаб юқори. Бу мосламаларини ўрнатиш орқали энгин туфайли келадиган моддий, одамларнинг ҳаёти, соғлиғига етказиладиган зарарнинг олди олинади. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизликни таъминладиган самарадорлигини юқори даражага етказиш ҳисобидан аҳолининг ҳаёти ва кундалик эҳтиёжи учун талаб қилинадиган жиҳозларни муҳофаза қилмоқ зарур.

Жамолiddин МАХАМАТЖОНОВ, Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройини энгиндан муҳофаза қилувчи энгин хавфсизлиги бўлими кичик инспектори, сержант

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
ди. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 2-4 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 февраль Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.